

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.20/13.05.2020.Ss.23.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ОРТИҚОВА НАРГИЗА АКРАМОВНА**

**ЖАМИЯТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА СИЁСИЙ  
ЭЛИТАНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЖАДАЛ ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ  
СИФАТИДА**

**23.00.02 - Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар**

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по политическим наукам**

**Contents of dissertation abstract  
of philosophy (PhD) on political sciences**

**Ортиқова Наргиза Акрамовна**

Жамиятни модернизациялаш шароитида сиёсий элитани шакллантириш  
жадал тараққиёт омили сифатида.....3

**Ортиқова Наргиза Акрамовна**

Формирование политической элиты в условиях модернизации общества –  
как фактор ускоренного развития.....27

**Ortiqova Nargiza Akramovna**

The formation of a political elite in the context of modernization of society – as a  
factor of rapid development.....51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....55

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.20/13.05.2020.Ss.23.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ОРТИҚОВА НАРГИЗА АКРАМОВНА**

**ЖАМИЯТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА СИЁСИЙ  
ЭЛИТАНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЖАДАЛ ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ  
СИФАТИДА**

**23.00.02 - Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар**

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Ss183 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-сайти (www.dba.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим портали (www.ziyonet.uz)да жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Жўраев Нарзулла Қосимович</b> сиёсий фанлар доктори, профессор.
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Жўраев Қодир Асадович</b> сиёсий фанлар доктори, проф. <b>Хусанов Озод Тиллабоевич</b> юримдик фанлари доктори, проф.
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия</b> университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.20/13.05.2020.Ss.23.03 рақамли Илмий кенгашнинг «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 йил соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислоом Каримов кўчаси, 45-уй. Тел.: (371) 232-60-47; факс: (371) 239-17-83; e-mail: info@dba.uz. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси биноси, “Давлат бошқарувининг сиёсий асослари” кафедраси, ....-қават, ....-хона)

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (100066, Тошкент шаҳри, Ислоом Каримов кўчаси, 45-уй. Тел.: (371) 232-60-47; факс: (371) 239-17-83; e-mail: info@dba.uz.)

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**К.К.Куранбаев,**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, с.ф.д., профессор.

**Н.О.Шодиев,**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.д. (PhD).

**А.Т.Жалилов,**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, с.ф.д., профессор.

## **КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугун жаҳонда глобал моҳият касб этаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар давлат ва жамият бошқарувини модернизациялаш муаммосини долзарб қилиб қўймоқда. Бутун жаҳон халқлари янги дунё тартиботини истаётган, давлатлараро ва минтақалараро манфаатлар тўқнашуви авж олаётган бир шароитда соғлом сиёсий кучларни, умумпланетар тараққиётга хизмат қиладиган бошқарув кадрларини етиштириш глобал муаммога айланмоқда. Ҳар бир давлатда, минтақавий ва халқаро ташкилотларда янги типдаги сиёсий элитани шакллантиришга бўлган зарурият кишилиқ жамияти ҳаётий эҳтиёжи ва дунёқарашларининг, маънавий-ахлоқий мезонларининг ўзгараётгани билан асосланади.

Дунёдаги кўплаб демократик давлатлар тажрибаси жамиятни бошқаришда бевосита иштирок этадиган сиёсат субъектлари ҳар қандай мамлакат тараққиётини белгиловчи кучга айланишини кўрсатмоқда. Ривожланган мамлакатларда, жумладан, Германия, Франция, Австрия, Япония, Жанубий Корея ва бошқа давлатларда давлат бошқарувини демократлаштириш учун бошқарув самарадорлигини ошириш, бунда энг муҳим субъект бўлган сиёсий элита фаолиятини такомиллаштириш технологияларини қўллашнинг янги механизмларини жорий этишга доир тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги кунда ушбу давлатларда демократияни янада тараққий эттириш, ўзини ўзи бошқариш жараёнларини замонавий эҳтиёжлар асосида ривожлантириш, кучли фуқаролик жамиятининг янги намунасини яратиш каби мақсадлар сари интилиш кузатилмоқда.

Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни амалга ошириш демократлаштириш жараёнига мос, янгиликларга ҳамнафас сиёсий элитани шакллантириш ва уларнинг йўналишларини белгилаб бериш, қолаверса, сиёсий элитанинг давлат ва жамият бошқарувидаги таъсири юзасидан замонавий механизмларни такомиллаштириш билан бевосита боғлиқ. Шу маънода, Ўзбекистон Республикасидаги сиёсий элита шаклланишининг демократик асосларини тадқиқ қилиш, сиёсий элитани ривожлантиришга доир назарий-методологик ёндашувларни сиёсий фан талаблари асосида тизимли ўрганиш тобора долзарблиқ касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2017 йил 8 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5139-сон, 2017 йил 8 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5185-сон, 2020 йил 16 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги

Жамоатчилик палатасини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-5980-сон фармонлари, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 5 майдаги “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги, 2018 йил 12 апрелдаги “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартдаги “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 62-сон Қарори ва бошқа мазкур соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Жамиятнинг маънавий-ахлоқий ва маданий ривожланиши, маънавий қадриятлар, миллий ғоя, маданий мерос, ўзбек халқи ва давлатчилик тарихи ҳамда таълимнинг узвийлик ва узлуксизлигини, баркамол авлод тарбиясини тадқиқ этиш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Сиёсий элита муаммосининг Ўзбекистон Республикаси билан боғлиқ жиҳатларини ўрганишда давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёевнинг асарлари<sup>1</sup> ва чиқишлари қимматли манба вазифасини ўтайди.

Жамият ҳаётининг барча соҳаларида муҳим қарорлар қабул қилувчи, мамлакат тараққиёти, инсоният тақдирига таъсир этувчи сиёсий элита билан боғлиқ масалаларга қизиқиш узоқ тарихга эга. Жаҳон фани сиёсий элиталар муаммосига доир катта илмий, назарий ва амалий тажрибага эга. Тадқиқот жараёнида танланган мавзуга доир илмий адабиётларни қуйидаги туркумларга ажратиш мумкин.

Биринчи туркумга, Платон, Аристотель, Цицерон сингари қадимги дунё мутафаккирларининг, қолаверса, Марказий Осиё мутафаккирлари: Абу Али ибн Сино, Абу Наср ал-Фаробий, Юсуф Хос Ҳожиб, Абу Райҳон Беруний, Самандар Термизий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Низом ул-Мулк, кейинчалик Амир Темур, Алишер Навоий, З.М.Бобур<sup>2</sup> ва бошқаларнинг асарларида сиёсий элита, бошқарув маданияти ва бошқарувчи ахлоқи, мажбуриятлари ҳамда вазифалари таҳлил этилган.

Мазкур туркумга, шунингдек, сиёсий элитанинг мумтоз назариялари муаллифларининг асарлари киритилди. Хусусан, В.Парето, Г.Моска, Р.Михельс, Р.Миллс, М.Херманн, Л.Браун<sup>3</sup>ларнинг асарларида жамият ҳаётида сиёсий элитанинг ўрни ва сиёсий лидернинг роли жиддий тадқиқ

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. –Т.: “Ўзбекистон”, 2016. –56 б.; Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. –Т.: “Ўзбекистон”, 2017. –48 б.; Мирзиёев Ш.М. Танкидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. –Т.: “Ўзбекистон”, 2017. –104 б.; Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. –Т.: “Ўзбекистон”, 2017. –488 б. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. –Т.: “Ўзбекистон”, 2017. –592 б.

<sup>2</sup> Бу ва бошқа муаллифларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

<sup>3</sup> Ушбу муаллифларнинг тадқиқотлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

этилган. Г.Лассуэлл<sup>4</sup> асарларида ҳокимият субъектлари ва жамиятдаги ҳукмрон қатламни ифодалашда “элита” атамасини қўллаш ғояси илгари сурилган.

Иккинчи туркум адабиётларни сиёсий элита ва унинг шаклланиши жараёнларига бағишланган фундаментал сиёсий тадқиқотлар ташкил этади. Бу адабиётларнинг муаллифлари М.Вебер, Х.Ортега-и-Гассет, Р.Арон, К.Манхейм, Ж.Блондель<sup>5</sup>лар бўлиб, уларнинг асарларида сиёсий жараёнлар элита вакиллари фаолияти билан бевосита алоқадорликда ўрганилган.

Кейинги йилларда қатор олимлар томонидан сиёсий элитанинг шаклланиши, амал қилиши, ривожланиши муаммоларига бағишланган тадқиқотлар сони ҳам кўпайиб борди. Айниқса, МДХ мамлакатлари олимлари: О.Гаман-Голутвина, Г.Ашин, М.Афанасьев, Е.Охотский, А.Понеделков, Г.Л.Купряшин, М.В.Братерский, О.Криштановская, Ю.В.Усова, О.В.Васильева, А.В.Шентякова, А.В.Самохина, В.А.Смирнов<sup>6</sup> каби муаллифларнинг изланишларида сиёсий элита муаммосининг назарий-методологик жиҳатлари ўрганилган. Ушбу манбаларни учинчи туркум адабиётлари қаторига киритиш мумкин.

Айни пайтда, республикамизнинг кенг илмий жамоатчилиги, сиёсатшунос ва ҳуқуқшунос олимлари: К.Куранбаев, Н.Жўраев, Р.Жумаев, А.Жалилов, Н.Умарова, И.Эргашев, С.Жўраев, Т.Жўраев, А.Қодиров, Ш.Пахрутдинов, М.Қирғизбоев, Х.Одилқориев, А.Холбеков, Т.Алимардонов, А.Саидов, Ҳ.Бобоев, Н.Комилов, Ф.Равшанов, Ф.Жўрақулов, Ж.Мавлонов, Б.Омонов<sup>7</sup> ва бошқаларнинг асарлари ва монографиялари фанимизда вужудга келган бу бўшлиқни тўлдиришга хизмат қилади. Мазкур тадқиқотларни тўртинчи туркум адабиётлари қаторига киритиш мақсадга мувофиқ. Уларда давлат бошқаруви муаммолари, сиёсий тизимни демократлаштириш жараёнлари, раҳбар маданияти ва маънавияти, давлат қурилиши ва ҳуқуқ масалаларига алоҳида эътибор берилган.

Хусусан, Н.Жўраев ўтиш даврида сиёсий етакчининг ўрни ва роли муаммоларини, профессор Х.Одилқориев жамиятни бошқаришда маъмурий аппарат, яъни сиёсий элита фаолиятининг ҳуқуқий асосларини, сиёсатшунос Б.Омонов жамиятни модернизациялаш шароитида сиёсий элита маданияти масалаларини, профессор А.Қодиров эса, жамиятни демократлаштириш жараёнларида сиёсий элитанинг тутган ўрни муаммоларини тадқиқ этган.

Мавжуд манбалар таҳлилидан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикасида сиёсий элита шаклланишининг демократик асослари муаммоси сиёсий фанлар доирасида алоҳида мавзу сифатида махсус ва чуқур ўрганилмаган. Ўзбекистоннинг ҳуқуқий давлат қуриш, демократик модернизация жараёнларини амалга ошириш, кучли фуқаролик жамиятини

<sup>4</sup> Lasswell H.D. Politics. Who gets what, when, how? N.Y., 1958; Lasswell H.D. Agenda for the study of political elites. – N.Y., 1961; Lasswell H.D. The Analysis of political behaviour: An Empirical Approach. London, 1989; Lasswell H.D. Power and Personality. N.Y., 1948.

<sup>5</sup> Бу ва бошқа муаллифларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

<sup>6</sup> Ушбу муаллифларнинг тадқиқотлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

<sup>7</sup> Ушбу муаллифларнинг тадқиқотлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

қарор топтиришдек мақсадлар сари одимлаётгани сиёсий элита қиёфасидаги сиёсат субъектлари фаолиятини жиддий таҳлил қилишга, уларни шакллантириш жараёнининг демократик механизмларини ўрганиш, сиёсий элитани шакллантириш жараёнини янада такомиллаштиришга хизмат қиладиган илмий изланишлар олиб боришни тақозо этмоқда.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий тадқиқот ишлари режасининг “Ҳаракатлар стратегиясини бажариш даврида мамлакатимизда маънавий хавфсизликни таъминлаш масалалари” мавзуи доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистон Республикасида Ҳаракатлар стратегиясидан келиб чиқиб, жамиятни модернизациялаш жараёнида фаол ва замонавий сиёсий элитани шакллантиришнинг асосий йўналишларини ўрганиш ҳамда давлат бошқарувини янада ривожлантиришда сиёсий элита фаолиятини янада такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ҳозирги шароитда сиёсий элита назарияси ва амалиёти муаммосини тадқиқ этиш, элитар ва демократик назариялар ўртасидаги умумийлик ва ўзига хосликни қиёсий таҳлил этиш;

Ўзбекистон Республикасида сиёсий элита амал қилишининг ўзига хос хусусиятлари ва унинг ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни амалга оширишдаги ролини ўрганиш;

сиёсий элитанинг демократик асосда шаклланишига таъсир қилувчи омилларни асослаш;

Ўзбекистонда сиёсий элитани шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини ўрганиш, самарали сиёсий элитани шакллантириш динамикасини тадқиқ этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев асарларининг таҳлили негизида сиёсий элитанинг маънавий қиёфаси, Ўзбекистон Республикасида сиёсий элита фаолиятини такомиллаштиришнинг демократик тамойилларини таҳлил этиш;

Ўзбекистонда сиёсий элитани шакллантириш ва жамият барқарорлиги ҳамда ривожланиб бориш механизмларини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объектини** Ўзбекистонда замонавий сиёсий элитани шакллантириш тизими, унинг генезиси ва эволюцияси ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предметини** Ўзбекистон Республикасида сиёсий элита муҳити, сиёсий тафаккур ва сиёсий фаоллик динамикаси, сиёсий элитани танлашда қўлланиладиган демократик тамойиллар, хусусиятлар, унга таъсир этувчи омиллар, муносабатлар ва қонуниятлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тарихийлик, тизимли ёндашув, структур-функционал анализ, қиёсий таҳлил, психологик таҳлил, бихевиористик ва эмпирик тадқиқот услубларидан фойдаланилган.



**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат: Ўзбекистон Республикасида профессионал сиёсий элитани шакллантириш, сиёсий элитага танлашнинг замонавий механизмларини жорий этиш масалалари илмий асослантирилган;

мамлакатда ижтимоий-сиёсий жараёнларни самарали бошқаришга қодир бўлган сиёсий элитани шакллантириш муаммоси шахс+жамият+давлат бирлиги концепцияси таҳлили асосида очиб берилган;

сиёсий элита таркибини ёшлар ҳисобига бойитиб бориш, сиёсий етакчиларнинг янги авлодини етиштиришда жамоат ташкилотлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, сиёсий уюшмалар ва партияларнинг ўрни ва роли асослаб берилган;

Ўзбекистонда демократик жараёнларни чуқурлаштириш муаммоси сиёсий элита фаолияти самарадорлигини ошириш шарти сифатида илмий асослаб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

давлат ва жамият бошқарувида сиёсий элитанинг ўрни ва роли, жамият элита қатламини кенгайтириш ва унинг самарадорлигини оширишга доир концептуал илмий хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган;

жамият сиёсий элитаси қатламини шакллантиришнинг замонавий хорижий ва миллий тажрибани танқидий ўрганиш, қиёсий таҳлил этиш, бошқарув тизимини тубдан ислоҳ қилиш жараёнида сиёсий элитанинг ғоявий ва ташкилий-профессионал кўникмаларини такомиллаштириш орқали “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” концепциясини жамият ҳаётига муваффақиятли татбиқ этиш бўйича амалий тавсиялар берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** илмий изланишнинг назарий ва амалий тадқиқот методлари ҳамда мавзу юзасидан фактографик ва статистик маълумотларнинг таҳлил этилганлиги билан белгиланади. Бундан ташқари, республика ва халқаро миқёсдаги илмий-услубий ва илмий-амалий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулоса, амалий таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тадқиқот натижаларидан фуқаролик жамияти, унинг ижтимоий-сиёсий ва миллий-маънавий асосларини ўрганишнинг назарий жиҳатларини янада бойитиш, олий таълим муассасаларида давлат ва жамият бошқаруви билан боғлиқ фанларни ўқитишда, маъруза матнлари ҳамда ўқув ва ўқув-услубий қўлланмалар яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация хулосалари, берилган таклиф ва тавсиялардан сиёсий, ташкилий ва ғоявий фаолият билан шуғулланувчи давлат бошқаруви органлари, сиёсий партиялар ва бошқа

турли маънавий-маърифий муассасалар ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий тадқиқотлар олиб боровчи илмий ва илмий тадқиқот муассасалари фаолиятида қўллаш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Давлат ва жамият бошқарувини модернизация қилишда, янги Ўзбекистон тараққиётини таъминлаш билан боғлиқ бошқарув тизимида сиёсий элита қатламини янада кенгайтириш, унинг самарадорлигини ошириш борасида ишлаб чиқилган амалий таклиф ва тадқиқотлар натижалари асосида:

Ўзбекистон Республикасида профессионал сиёсий элитани шакллантириш, сиёсий элитага танлашнинг замонавий механизмларини жорий этишга оид тавсиялар Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан 2019-2020 йилларда ўтказилган тарғибот фаолияти дастурларига татбиқ этилган, хусусан, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”ни “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурининг 28-банди (“Маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш чораларини кўриш”)ни амалга оширишда диссертация маълумотларидан фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2020 йил 25 августдаги № 01/08-725-сон далолатномаси). Натижада, марказ тарғибот ишларида диссертацияда илгари сурилган таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикасида сиёсий партияларнинг тарғибот ишларини олиб боришда сиёсий элитани ривожлантириш, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш тажрибаларини бойитишда муҳим қўлланма сифатида хизмат қилган;

мамлакатда ижтимоий-сиёсий жараёнларни самарали бошқаришга қодир бўлган сиёсий элитанинг шахс+жамият+давлат бирлиги асосида демократик жараёнлардаги етакчилик ролини оширишга доир тавсиялар Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий кенгашининг 2020-2024 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастурида ўз ифодасини топган ва ушбу тавсиялардан давлат бошқаруви ва давлат хизматини янада ислоҳ этиш соҳасида бир қатор вазифаларни амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий кенгашининг 2020 йил 3 сентябрдаги № 01-213-сон далолатномаси). Натижада, диссертацияда илгари сурилган таклиф, тавсия ва хулосалар давлат хизматчиларининг мақомини қонун даражасида мустаҳкамлаш, давлат хизматчисининг билим, малака, қобилият ва лаёқатлилик талаблари асосида объектив танланиши тизимини жорий этиш, ёш миллий кадрлар захирасини шакллантириш, уларни давлат хизматига тизимли тавсия этиш орқали “ижтимоий лифт”ни таъминлаш, барча давлат ташкилотлари ва хизматчилари фаолиятини баҳолаш тизимини жорий этиш вазифаларини самарали амалга оширишга хизмат қилган;

сиёсий элита таркибини ёшлар ҳисобига бойитиб бориш, сиёсий етакчиларнинг янги авлодини етиштириш бўйича тавсиялардан Ўзбекистон

Республикаси “Юксалиш” умуммиллий ҳаракатининг амалий фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси “Юксалиш” умуммиллий ҳаракатининг 2020 йил 5 сентябрдаги № 766-20-сон далолатномаси). Натижада Марказ томонидан ташкил этилган тадбирларда диссертация илмий хулосалари, таклиф ва тавсиялари кенг қўлланилиб, Ўзбекистон шароитида сиёсий элитани ривожлантириш замонавий дунёқарашга эга бўлган, ғоявий чиниққан, бошқарув тажрибаларини кунт билан ўзлаштирган раҳбар кадрлар тайёрлаш тамойиллари илмий-назарий жиҳатдан асослаб берилган;

Ўзбекистонда демократик жараёнларни чуқурлаштириш сиёсий элита фаолияти самарадорлигини ошириш шарти сифатида асослаб берилган илмий хулосалардан Ўзбекистон “Адолат” СДП Марказий кенгашининг амалий тадбирларини ташкил этишда, хусусан, ҳозирги жадал тараққиёт даврида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони асосида Ўзбекистон тараққиёти ва истиқболи, мамлакатдаги мавжуд сиёсий-маърифий имкониятлари бўйича ишлаб чиқилган иш режасида фойдаланилган (Ўзбекистон “Адолат” СДП Марказий кенгашининг 2020 йил 7 сентябрдаги № 01-04/217/2-сон далолатномаси). Натижада, мазкур илмий хулосалар “Адолат” СДПнинг электорат билан ишлашида, партия фаоллари ўқувларида муҳим манба бўлиб хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 9 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 1 та халқаро, 8 та республика миқёсидаги анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 17 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 6 таси хорижий нашрларда (2 таси Scopus илмий тадқиқотлар базасига кирган мақола, 4 таси импакт факторли хорижий нашрларда), 2 таси республика нашрларида чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг тадқиқот қисми 159 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, методлари тавсифланган, тадқиқот объекти, предмети аниқланган, ишнинг илмий янгилиги, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий-амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, нашр этилган ишлар,

диссертациянинг тузилиши ҳамда ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Сиёсий элитани тадқиқ этишнинг назарий асослари”** деб номланади. Мазкур бобда “сиёсий элита” тушунчаси, унинг назарий-методологик асослари, демократик қарашларда сиёсий элита масаласи, қолаверса, жамиятда элитани шакллантириш тамойиллари, унинг ўзига хос жиҳатлари ва моҳияти сиёсий элита назарий-тадқиқ олимлари манбалари асосида тадқиқ этилган.

Италиялик олим Г. Москанинг асарларида сиёсий элита махсус илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганилган. У ҳар қандай жамият ижтимоий мақоми ва роли жиҳатидан тенг бўлмаган икки гуруҳга бўлиниши муқаррарлигини исботлаб беришга ҳаракат қилган. «Ҳар бир жамиятда – ўртача ривожланган ва эндигина цивилизацияга эришаётган жамиятдан тортиб, то кучли ва маърифатли жамиятларгача икки синф мавжуддир: бошқарувчилар ва бошқарилувчилар синфи. Биринчиси, доимо оз сонли бўлиб, барча сиёсий вазифаларни бажаради, ҳокимиятни ўз қўлида тўплайди ва белгиланган имтиёзлардан фойдаланади. Иккинчи синф эса, кўп сонли бўлиб, биринчиси томонидан бошқарилади, унга сиёсий организм ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий воситаларни етказиб туради»<sup>8</sup>

Унинг фикрича, элита оммадан ўзининг шундай сифатлари билан ажралиб турадики, бу сифатлар жамиятни қолган қисмидан унинг моддий, маънавий ва ақлий устун бўлишини талаб этади. "Бошқача айтганда, – дейди Р.Т.Мухаев, – ҳукмрон озчилик намояндалари ўзлари яшаётган жамиятда чуқур кадрланадиган сифатларга эга бўладилар"<sup>9</sup>. Бироқ, унингча, мазкур қатлам бошқаларга нисбатан бошқарувга лаёқатли бўлса-да, унинг барча намояндалари ҳам бу жиҳатдан юқори кўрсаткич ва алоҳида истеъдодга эга бўлмайдилар.

Жамиятнинг омма ва элитага бўлиниши муқаррарлигини В.Парето кишиларнинг шахсий, жисмоний ва ақлий қобилиятлари нотенглиги билан боғлайди. Унингча, нисбатан кўпроқ таъсирга, бойликка эга шахслар жамиятнинг олий табақаси – элитани ташкил этади. В.Парето элита турларини таснифлайди ва уни: савдо-саноат элитаси, сиёсий, ҳарбий, диний элитага ажратади. Кўриниб турибдики, олим элитани кенг талқин қилади. Бироқ, В.Паретода элитанинг тор маънодаги талқинларини ҳам кўриш мумкин. Бунда элитанинг сиёсатда белгиловчи роль ўйнайдиган қисми – ҳукмрон элита алоҳида ажратилади. Демак, элитанинг барча аъзолари ҳам ҳукмрон элита таркибига кирмайди, улардан айримлари ҳукмрон бўлмаган элитани ташкил этади.

Сиёсий элита назариясининг ривожлантирилишига Р.Михельс ҳам улкан ҳисса қўшган. У жамиятнинг элитарлигини келтириб чиқарувчи ижтимоий механизмларни тадқиқ қилади. Ўзининг илк асарида Р.Михельс "фақат бевосита, тўғридан-тўғри демократия ҳақиқий демократия бўлиши мумкин, билвосита демократия эса, олигархияни келтириб чиқаради", деб уқтирган

<sup>8</sup> Моска Г. Правящий класс// Социс, 1994. № 10. – С. 187.

<sup>9</sup> Мухаев Р.Т. Политология. Хрестоматия, – М.: "Издательство ПРИОР", 2000. – С. 258.

эди<sup>10</sup>. Олигархияни у йирик ижтимоий тузилмаларнинг муқаррар турмуш тарзи сифатида баҳолайди. Элитарлик сабабларини шарҳлашда Р.Михельс Г.Моска билан ҳамфикр бўлса-да, у ташкилотчилик қобилиятларига алоҳида урғу беради. Унинг фикрича, жамият ташкилий тузилмаларининг ўзи элитарликни кучайтиришга, бошқарувчилар қатламининг мавқеини оширишга хизмат қилади.

Америкалик сиёсатшунос Р.Патнэм: “Элита – асосий қарорлар қабул қилувчилар, улар сиёсий қарорларга доимий ва кучли таъсир ўтказиш учун уюшган потенциалга эга бўлган шахслар ва гуруҳлардир”,<sup>11</sup> дейди.

Маҳаллий олимлар бўлмиш Х.Одилқориев ва Д.Раззоқовлар: “Сиёсий элита алоҳида ижтимоий сифатларга, сиёсий таъсир этишининг муайян даражасига эга бўлган ва у ёки бу давлатнинг ҳокимият институтлари учун раҳбар кадрларнинг асосий манбаи ҳисобланган катта ижтимоий гуруҳларга мансубликни англатади”<sup>12</sup>, деб таъриф берадилар.

Ҳозирги даврда демократик жамиятлар учун долзарб вазифалардан бири элитар гуруҳларга қарши кураш эмас, балки жамият учун фойдали сиёсий элиталар гуруҳини шакллантириш, унда ижтимоий ваколатлилик янгиланиб туришининг юқори сифатини таъминлаш, олигархиялашуви, халқдан бегоналашуви ва ёпиқ ҳукмрон имтиёзли табақага айланишининг олдини олиш<sup>13</sup>га қаратилганлиги билан белгиланади. Негаки, очиқ фаолият олиб борган сиёсий элита субъектлари халққа яқинлашиши, демократияни таъминлаши, қоларверса, уни сақлаб қолиши амалга ошади.

Шундай қилиб, элитар назариялар таҳлили қуйидагича хулосалар чиқаришга асос бўлиб хизмат қилди:

биринчидан, бугунги воқелик барча давлатларда, шу жумладан, демократик сиёсий тизимларда ҳам жамиятнинг омма ва элитага бўлиниши муқаррарлигини кўрсатмоқда;

иккинчидан, том маънодаги демократия элитани инкор қилса-да, аслида, демократия энг афзал кўринишда халқ томонидан маъқулланадиган ва қўллаб-қувватланадиган элитанинг самарали бошқаруви шакли бўлиши мумкин;

учинчидан, сайловлар вақтида оммага рақобатдаги элиталар орасидан танловни амалга ошириш имконияти берилади;

тўртинчидан, демократик сиёсий тизим элитанинг минимал ҳокимиятга эга бўлишини, давлатни самарали ва оқилона бошқариш воситаси бўлиб, халқ манфаатларига хизмат қилишини тақозо этади;

бешинчидан, демократия шароитида "элита-омма" муносабатларида элита омманинг хоҳиш-истакларини бостирмасдан, унинг фаоллигини рағбатлантириши талаб этилади, зеро халқнинг сиёсатдаги фаол иштироки нафақат, давлат қарорлари қабул қилинишида, халқ оммаси манфаатлари

<sup>10</sup> Мухаев Р.Т. Политология. Хрестоматия, – М.: "Издательство ПРИОР", 2000. – С. 297.

<sup>11</sup> Рябкова С.А. Дискуссионные проблемы теории политических элит. <https://doi.org/10.24158/pep.2019.3.2>.

<sup>12</sup> Одилқориев Х.Т, Раззоқов Д.Х. Сиёсатшунослик. - Т.: “Ўқитувчи” НМИУ, 200. – Б. 187-188.

<sup>13</sup> Одилқориев Х.Т, Раззоқов Д.Х. Сиёсатшунослик. – Т.: “Ўқитувчи” НМИУ, 2008. - Б. 188.

эътиборга олинисини кафолатлайди, балки кишиларнинг ижодкорлиги ва қобилиятларини рўёбга чиқариш воситаси бўлиб ҳам хизмат қилади;

олтинчидан, айнан сиёсий элита мамлакатда демократиянинг омон қолиши, унинг келгуси тақдири, демократик кадриятларнинг ривожланганлик даражаси учун жавобгар, масъулдир;

еттинчидан, сиёсий элитанинг фаолияти самарадорлигини ошириш, унинг иш сифатини юксалтиришда демократик механизмлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Сиёсий элитага танлаш тизимини қатор омиллар белгилаб беради. Улардан асосийлари: ижтимоий базанинг кенглиги, танловни амалга оширувчи кишилар доираси, унинг мезонлари ва тартибидан иборат. Табиийки, бу омиллар ҳар бир мамлакатда ўзига хос кўринишга эга бўлади. Кўп нарса шу мамлакатларда ўрнатилган сиёсий тартиботдан келиб чиқади. Юқорида санаб ўтилган омиллар ва сиёсий тартиботнинг ўзига хос хусусиятлари сиёсий элита шаклланишида икки йўналишни юзага келтиради. Биринчи йўналишга хос жиҳат: сиёсий элитани шакллантириш жараёнининг ёпиқлигидир. Бунда элитани шакллантиришнинг социал базаси жуда тор бўлади, одатда, элита жамиятнинг ҳукмрон ижтимоий қатлами вакиллари ҳисобига тўлдирилади ҳамда элитага танловни амалга оширувчи кишилар доираси чекланган бўлади.

Мазкур йўналиш авторитар ва тоталитар сиёсий тартиботлар ўрнатилган давлатларга хос бўлади. Масаланинг муҳим жиҳати шундаки, бу йўналиш турғунликка, инқирозли вазиятнинг кучайишига олиб келади. Сиёсий элита қанчалик биқик бўлса, у жамиятни самарали бошқариш қобилиятини тобора йўқотиб боради, демак, ўз ҳукмрон мавқеини сақлаб қолишга қодир бўлмайди.

Сиёсий элита шаклланишидаги иккинчи йўналиш биринчисига мутлақо зид. Таъкидлаш жоизки, ушбу йўналиш демократик сиёсий тартибот ўрнатилган мамлакатларга хос. Демак, бу давлатларда сиёсий элитанинг асосий қисми тайинлашлар йўли билан эмас, балки сайловлар йўли билан шакллантирилади. Мазкур йўналиш қуйидаги жиҳатлари билан ажралиб туради:

- электорат доираси кенг бўлади (унда барча сайловчилар қатнашади);
- танлов жараёни очиклиги билан характерланади;
- ҳар қандай ижтимоий қатлам вакилига сиёсий элитадан ўрин эгаллаш имконияти берилади;
- танлов рақобатли кўринишга эга бўлади;
- раҳбар лавозимларга даъвогарларнинг шахсий сифат ва қобилиятларига юқори талаблар қўйилади<sup>14</sup>.

Бундай тизим туфайли истеъдодли, қатъиятли, юқори касб малакасига эга инсонлар сиёсий элитадан ўрин оладилар.

Сиёсий элитанинг "шахсий таркиби"ни шакллантиришда устувор вазифаларни белгилаб олиш, танлов тамойиллари ва технологияларини

---

<sup>14</sup> Политология. Под ред. Полуниной Г.В. – М.: "Акалис", 1996. – С. 107.

аниқлаштириб олиш, умуман, кадрлар сиёсатига оид стратегияни шакллантириш талаб этилади. Бундай стратегияни ишлаб чиқишда қуйидагиларга урғу бериш мақсадга мувофиқ:

- кадрлар сиёсатига оид стратегия давлатнинг тараққиёти истиқболларига, жамиятнинг ўзига хос хусусиятларига, шахснинг манфаатларига мос бўлиши керак;

- сиёсий элитага танлаш тизимининг амал қилиши натижасида юқори лавозимлар шундай кишилар томонидан эгалланиши керакки, бу мансабдор шахслар ўз олдига қўйилган вазифаларни бажариш билан бир қаторда, ўз хатти-ҳаракати билан давлат бошқаруви идораларининг ҳурмати ва нуфузини оширишга хизмат қилиши керак;

- сиёсий элитани кадрлар билан таъминлаш жараёнининг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиниши меҳнат интизомини бузиш, мансабни суиистеъмол қилиш, коррупция ва бошқа шу каби салбий иллатларга барҳам беришга хизмат қилиши лозим;

- сиёсий элита вакиллари орасида ижобий ахлоқий-психологик муҳитнинг қарор топиши нафақат уларнинг ўз мажбуриятларини самарали бажаришларига туртки бўлади, балки кадрларнинг шахсий сифатларини ривожлантириш имконини беради.

Умуман олганда, сиёсий элита ҳар қандай даврда ва ҳар қандай жамиятда ривожланишнинг муҳим омили бўлиб келган, қолаверса, бу тенденция ҳозирда ҳам замон талабларига мос ҳолда, глобал жараёнлар билан кечмоқда. Зотан, сиёсий элитадаги ижтимоий бирдамлик, фуқаролар манфаатлари тўқнашуви, умумийлик принципини ёқлаб чиқиш ҳолати элитар онг – ўзини жамиятни бошқаришга лаёқатли алоҳида қатлам сифатида кўра билиш билан бирга, бошқарув субъектларининг, замонавий жамиятларнинг тараққий этиши билан алоқадорлик касб этади.

Шунингдек, ҳар қандай жамият элитарлигини тан олиш, унинг ҳукмрон, ижодкор, имтиёзли озчилик ҳамда пассив, ижодкор бўлмаган кўпчиликка бўлиниши муқаррарлигини эътироф этиш жамият ва инсон табиатидан, ижтимоий талабидан келиб чиқади. Жамиятда пассив элитага бўлган талабдан фаол элитага бўлган талаб динамик равишда ўсиб борган сари сиёсий элита мақоми ҳам, жамиятлар трансформациялашуви ҳам бир маромда амалга ошиб бораверади.

Қолаверса, бугун кўпгина давлатларда ижтимоий қатлам турмуш даражаси, социал имкониятларининг ўсиб бораётгани, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг самарали механизмлари яратилаётгани, сиёсий жараёнларнинг роли жамиятлар маданиятига мос равишда ортиб бораётгани сиёсий элиталарнинг фаолиятига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмади. Айни шу сингари ҳолатлар сиёсий элитада сиёсий роллар ва вазифалар тақсмотини ўзгартиради, айрим ҳолларда, уларнинг ҳокимиятини таъминлайдиган ресурсларга ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Сиёсий элитанинг демократик асосда шаклланишига таъсир қилувчи омиллар**” деб номланиб, мазкур

бобда Ўзбекистонда бошқарув органлари фаолияти, хусусан, сиёсий элитани шакллантириш ва фаолиятини ривожлантириб боришнинг ҳуқуқий асослари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг сиёсий элитани шакллантиришдаги ўрни ва аҳамияти, қолаверса, демократик сайловларнинг сиёсий элитани тўғри танлаш ва шакллантиришдаги роли тадқиқ этилган.

Маълумки, жамият сиёсий жараёнларни, хусусан, сиёсий элита фаолиятини тартибга солувчи қонунлар тизимига эҳтиёж сезади. Ана шу эҳтиёждан келиб чиқиб, Ўзбекистонда янги типдаги сиёсий элитани шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари, унинг эволюцияси ва Сайлов кодексигача бўлган жараёнлари тизимли ўрганилади. Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этилиши тамойилининг ҳуқуқий асосларини кафолатлаб берган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14-моддасида куйидаги қоида ақс этган: "Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади".<sup>15</sup> Конституциянинг III боби тўлалигича "Конституция ва қонуннинг устунлиги" масалаларига бағишланган. Мустақил Ўзбекистон янги давлат ва жамият қуришда асос қилиб олган беш тамойилдан бири ҳам қонун устуворлиги тамойилидир.

Ҳокимиятлар бўлиниши – демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг зарурий шартидир. Давлат бошқарувида мазкур тамойилга амал қилиш ҳокимият органлари фаолиятини самарали ташкил этишнинг кафолатларидан бири саналади. Шу нуқтаи назардан, мамлакатимиз Конституциясига биноан, "Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципага асосланади".<sup>16</sup> Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг "Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида"ги Конституциявий қонунининг 2-моддасига кўра: "қонун устуворлигини, ҳокимият қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд тармоқлари ўртасида мувозанатни, улардан ҳар бирининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш" референдум яқунлари асосида қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир ишларнинг асосий принципларидан бири деб белгиланган.

Вилоят, туман, шаҳар ҳокими тегишли халқ депутатлари Кенгаши депутатлари орасидан тайинланади ҳамда тасдиқланади.

“Шаҳардаги туман, туманга бўйсунувчи шаҳар ҳокими тегишли шаҳар, туман ҳокими томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади ҳамда халқ депутатлари тегишли туман, шаҳар кенгаши томонидан тасдиқланади”.<sup>17</sup> Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунига кўра, ҳокимлар ва халқ депутатлари Кенгашларининг ваколат муддати беш йил этиб белгиланган.

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – Б. 7.

<sup>16</sup> Ўша манба.

<sup>17</sup> Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп лугат // Муаллифлар: М.Абдуллаев, М.Абдуллаева, Г.Абдураззоқова ва бошқ.; А.Жалолов ва Қ.Хоназаров умумий таҳрири остида /.— Т.: "Шарқ", 2000. – Б. 65.



Таъкидлаш жоизки, 2007 йил 11 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий Қонунида маҳаллий вакиллик органлари депутатларига ҳокимлар фаолиятини назорат қилишнинг реал механизми яратилган, бошқача қилиб айтганда, жамоатчилик назоратини амалга ошириш имконияти берилган.

Шунингдек, "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси"га кўра ҳукумат раҳбари ва унинг аъзолари таркибини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг ҳар бири билан маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати кўриб чиқиши ҳамда тасдиқлаши учун тақдим этилиши билан боғлиқ қонуннинг жорий этилиши сиёсий элитани шакллантиришда ҳокимиятларнинг бир-бирини тийиш ва жиловлаш тамойилининг амалда рўёбга чиқишига хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасида сиёсий элита шаклланишининг ҳуқуқий асослари таҳлили мамлакатимизда давлат хизмати соҳасини тартибга солувчи махсус қонунларга эҳтиёж мавжудлигини кўрсатади. Яъни дунёнинг қатор демократик мамлакатларида бўлгани каби Ўзбекистон Республикасида ҳам "Давлат хизмати тўғрисида" қонунни яратиш ва қабул қилишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Мазкур қонунда давлат хизматчиларига қўйиладиган талаблар, уларнинг хизмат пиллапояларидан кўтарилиш механизмлари, уларни аттестациядан ўтказиш, интизомий жазо чораларини қўллаш, давлат хизматчисининг жамоатчилик олдидаги масъулиятини таъминлаш каби масалалар ўз аксини топмоғи лозим.

Бугунги кунда ривожланган мамлакатлар сиёсий ҳаётини сайловларсиз тасаввур қилиш қийин. Айнан сайловлар воситасида давлат ҳокимияти ва маҳаллий вакиллик органлари шаклланади, давлатларнинг олий мансабдор шахслари сайланади, бошқача айтганда, мамлакат сиёсий элитаси вакиллари танланади, сиёсий етакчилар тарбияланади, сиёсий арбоблар тобланади.

Сайловлар демократик тараққиётнинг асосий шарти сифатида қатор вазибаларни бажаради:

- сиёсатчилар корпусини тўлдириш. Демократик давлатларда сайловлар сиёсий рекрутлашнинг<sup>18</sup> асосий манбаи ҳисобланади. Мазкур жараён қуйидагича кўринишга эга бўлади: партиялар ўз номзодини илгари суради, сиёсатчилар сайлов кампанияси давомида ўз қобилиятларини намойиш қилиш ҳамда мақсад-муддаоларини баён этиш эвазига сайловчиларнинг кўпроқ овозларини олишга интиладилар;

- вакилликни таъминлаш. Агар сайловлар ошкоралик ва рақобатлилиқ тамойилларига мос равишда ўтказилса, улар жамиятнинг талабларини давлат бошқаруви тизимига етказувчи канал вазибаларини бажаради. Бу жараёнда

---

<sup>18</sup> Сиёсий рекрутлаш – сиёсатда ўз зиммасига асосий ролларни олиши керак бўлган шахсларни тайёрлаш ва танлаш жараёни.

халқ ўз вакилларини аниқлайди ва уларга халқ суверенитетини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган мандат беради. Демак, юридик жиҳатдан сайловлар халқ томонидан ўз вакиллари – Президентга, депутатларга, бошқа сайланадиган мансабдор шахсларга ўз ҳокимиятини амалга ошириш ҳуқуқини топшириш, узатиш жараёни ҳисобланади;

- сиёсий элитани шакллантириш. Сайловлар кишиларнинг сиёсий элита таркибидан жой олиши, юқори лавозимга кўтарилиши, сиёсий етакчиларни майдонга чиқариш ёки сиёсий сахнадан туширишнинг муҳим воситасидир. Сайловлар натижасида ҳукмрон ва муҳолифатдаги элитанинг таркиби ўзгаради, сиёсий партияларнинг мақоми, таъсири даражаси аниқланади. Лавозимга даъвогарларни саралаш, уларнинг энг муносибларини танлаш имконини бергани учун ҳам сайловлар сиёсий элита салоҳиятини кучайтириш омили сифатида юзага чиқади. Бу ҳақда профессор М.Қирғизбоев шундай ёзади: "Турли мамлакатлардаги сайловларда ўзаро муҳолифатдошликка асосланган демократия табиатига хос сайловларнинг бир қанча умумий томонлари мавжуддир. Булар: ҳокимиятга даъвогар турли сиёсий кучлар ўртасидаги ўзаро ишонч, идора этувчи элитани эркин демократик сайловлар воситасида шакллантиришнинг анъанавий қоидаларини ҳурмат қилиши. Ривожланган мамлакатлар жамиятларида сайловлар сиёсий элитани шакллантиришнинг реал механизми сифатида намоён бўлади"<sup>19</sup>;

- сиёсий тизимни легитимлаштириш. Сайлов жараёни доимо сиёсий тизимни, сиёсий тартиботни, алоҳида сиёсий институтларни (Президент, парламент ва ҳоказо) жамият аъзолари назарида легитимлаштиришга хизмат қилади. Зеро, фуқароларнинг овоз беришдек сиёсий жараёнда иштирок этиши уларнинг мазкур сиёсий тизимнинг амал қилишига розилигини англатади, улар ҳокимиятни шакллантиришнинг мавжуд шаклини қабул қилганлигидан далолат беради, жамиятда сиёсий барқарорлик сақланишини таъминлайди;

- ҳокимият институтлари устидан жамоат назоратини ўрнатиш вазифаси. Сайловлар ҳокимият устидан назорат ўрнатишнинг муҳим механизми саналади. Чунки сайловлар даврида кишилар давлат ҳокимияти фаолиятига ўз муносабатини билдирадилар, ҳокимият тузилмаларининг таркибини янгилаб борадилар. Шунингдек, сайлов натижасида ҳукуматни назорат қилувчи орган – парламент шаклланади, сиёсий муҳолифат таъсир кучига эга бўлади. «Демократик тамойиллар асосида ташкил қилинган ва ўтказилган сайловлар мамлакатдаги фуқароларнинг давлат органларини тузиш ва уларнинг ишида амалдаги иштирокини таъминлайди. Тўғри ташкил қилинган демократик сайловлар натижасида фуқаро ва жамият манфаатларига мос давлат органлари вужудга келади».<sup>20</sup>

Демак, сайловларнинг энг муҳим ва биринчи галдаги вазифаси – фуқароларнинг иродаси ва манфаатларини рўёбга чиқариш, ҳокимият

<sup>19</sup> Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: назария ва хорижий тажриба. –Т.: "Янги аср авлоди", 2006. – Б. 175.

<sup>20</sup> Каримов И.А Ўзбекистон XXI асрга интиломқда. – Т.: "Ўзбекистон", 2000. – Б. 152.

тузилмаларида халқ вакилларининг ўрин олишини таъминлаш ҳамда самарали ишловчи ҳокимиятни шакллантиришдан иборатдир.

Сиёсий элита ўз-ўзидан шаклланмайди. У жамиятда зарур сиёсий шарт-шароитлар вужудга келгандагина етакчи куч сифатида майдонга чиқади. Уни шакллантирувчи сиёсий куч сифатида мамлакатдаги сиёсий партиялар, сиёсий ҳаракатлар, жамоат ташкилотлари ва сиёсий муҳолифат кучлари майдонга чиқади<sup>21</sup>.

Фуқаролик жамияти шароитида нодавлат нотижорат ташкилотлари роли янада ошади. Бу, ўз навбатида, сиёсий элитанинг янги қатлами – ННТлар бошқаруви билан боғлиқ бўлган етакчиларнинг янги авлодини етиштиришни тақозо этади. Президент Ш.М.Мирзиёев муаммонинг ана шу жиҳатига ҳам жиддий эътибор беради ва шундай дейди: «Ҳақиқий раҳбар, ҳақиқий етакчи одамларнинг бардошини синаш учун эмас, балки уларга муносиб шарт-шароит яратиб бериш, оғирини енгил қилиш учун раҳбар этиб тайинланади».<sup>22</sup>

Айни пайтда, Ўзбекистонда 9 мингдан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари мавжуд. 29 та халқаро ва хорижий ноҳукумат ташкилотларининг филиал ва ваколатхоналари фаолият юритмоқда. 2017 йилда «Нуроний» жамғармаси, Ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Савдо-саноат палатаси, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши каби нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш ва уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган алоҳида фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Бугун жамиятда нафақат иқтисодий, балки сиёсий ва ижтимоий соҳада ҳам янгича фикрлашга қодир бўлган раҳбар кадрларни топиб, жойига қўйиш масаласи муҳим ҳисобланади. Ушбу тенденция ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий-маданий ривожланишни ўз олдига қўйган барча жамиятларга хос. Бу ўз-ўзидан янги тип ва янги дунёқарашдаги раҳбар кадрларни, етакчиларни тарбиялаш вазифасини долзарб қилиб қўймоқда.

Ҳозирги шароитда мавжуд нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат бирлашмаларининг барчаси ҳам самарали фаолият кўрсатаёпти, деб айта олмаймиз. Ваҳоланки, айни ННТлар, жумладан, сиёсий партиялар жамият сиёсий кайфиятини, савиясини, билимдонлик даражасини белгилаб берадиган сиёсий ячейкага айланмоғи даркор. Қолаверса, ННТлар ва жамоат ташкилотлари фаолиятини интеграциялаштириб бориш, ижтимоий ҳамкорлигини кенгайтириш сиёсий элита амалга ошириши лозим бўлган сиёсатнинг халқчил ва демократик тусда кечишини таъминлаб берган бўлади.

**Диссертациянинг учинчи боби “Ўзбекистонда демократик жараёнларни чуқурлаштириш – сиёсий элита фаолияти**

<sup>21</sup> Одилқориев Х.Т., Раззоқов Д.Х. Сиёсатшунослик. – Т.: “Ўқитувчи” НМИУ, 2008. – Б. 150.

<sup>22</sup> Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари. – Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – Б. 115.

**самарадорлигини ошириш шарти”** деб номланади. Ушбу бобда сиёсий элита фаолиятини ташкил этишда жамиятни янгилаш ва модернизациялаш жараёнлари билан уйғунлашуви масалалари, Ўзбекистонда сиёсий элита қатламини кенгайтириш ҳамда сиёсий элита самарадорлигини оширишнинг ижтимоий-демократик асослари тадқиқ этилган.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасида давлатнинг бош ислохотчилик мақоми давлат бошқаруви соҳасида банд бўлган раҳбарлар зиммасига, айниқса, катта масъулият юклаши табиий ҳол. Демак, давлатда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларнинг тақдири кўп жиҳатдан сиёсий элита таркибидан ўрин олган кишилар фаолиятига, ишга бўлган муносабатига, инсоний сифатларига, раҳбарлик салоҳиятига боғлиқ.

Раҳбарларнинг сиёсий элита таркибидан ўрин олганликлари уларни жамиятнинг энг сара аъзолари бўлишга ундайди. Қарорлар ва қонунларнинг миллионлаб фуқаролар тақдирига белгиловчи таъсирини эътиборга оладиган бўлсак, уларни яратувчи, қабул қилувчи, ижросини уюштирувчи кишиларнинг иш сифати, малакаси ва ахлоқий фазилятлари масаласи алоҳида долзарблик касб этади. Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб демократик ислохотлар бошқарув соҳасида ҳам жиддий ўзгаришлар қилишни талаб этмоқда.

